


2018/3

GULISTON



2018/3

GULISTON



ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-badiiy, madaniy-ma'rifiy jurnal

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat vazirligi**

Bosh muharrir

vazifasini bajaruvchi:

Temur A'ZAM

Jamoatchilik kengashi:

Suyima G'ANIYEVA

Baxtiyor SAYFULLAYEV

Sirojiddin SAYYID

Minhojiddin MIRZO

Laziz TANGRIYEV

Shuhrat SIROJIDDINOV

Akmal NUR

Hamidulla BOLTABOYEV

Isajon SULTON

Mirza AZIZOV

Oqilxon IBROHIMOV

Tahririyat:

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalovchi:

Nigina ISMOILOVA

navbatchi muharrir:

Anora HOJIMATOVA

USHBU SONDA:

*Rustam ABDULLAYEV
Ona allasidan boshlangan
kuylar*

*Hamidjon HOMIDIY
Jabhalar tutashuvi*

*No'monjon RAHIMJONOV
Yetti ustunning biri*

*Saodat BERDIYEVA
Qalamida mehr tafti bor*

*Chingiz AYTMATOV
Askar bola*

*Bobur G'IYOSOV
Teran idrok asosi*

*Farrux HAMROYEV
O'zbek o'g'lioni – jahon
pianinochilarining qiroli*

*Habib SIDDIQ
«Oltin davr» ikir-fikrlari*

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 13.09.2016-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jumalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 62x84. Buyurtma № 47. Adadi: 1300 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 5.06.2018-yilda topshirildi. Bosishga 29.06.2018-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Web-site: Gulistonjumali.uz

gulistonjumali@exat.uz
gulistonjumali@mail.ru

Jurnal «SILVER STAR PRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-mavza, 17-uy.



SUZUK OTA me'moriy majmuasi

Сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби меъморчиликда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Буюк алломалар ва азия авлиёларимизнинг муқаддас қадамжолари, улар билан боғлиқ обидалар, бой маданий-меъморий меросни чуқур ўрганиш, шу асосда уларни таъмирлаш ишлари бутун мамлакат миқёсида кадал суршакларда яниб борилди.

Тошкентда ҳозирги кунгиза сақланиб қолган кўплаб меъморий обидалар қаторида пойтахтнинг эски шаҳар қисмида жойлашган Сузук ота мажмуасини ҳам санаб ўтиш мумкин. Катта хонақоҳ, айвонли масжид, кичик масжид ва мақбарадан иборат мажмуа шаҳарнинг Самарқанд дарвоза, Кўича дарвоза, Бешёғоч дарвозалари ўртасидаги Сузук ота маҳалласи марказида жойлашган. Унинг икки тарафидан Қуйи Бўзсув ва Чуқур кўприк ариғи оқиб ўтади. Сузук ота мажмуаси фақат меъморий жиҳатдан эмас, балки тарихий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

1140-1217 йилларда яшаб Сузук ота деб ном олган Мустафоқули Хўжа Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Хуштожнинг кенжа фарзанди бўлиб, Туркистоннинг Қорачул қишлоғида таваллуд топган. Бобоси Аҳмад Яссавий болалик чоғида уни сузугим, суюклигим деб эрклатганидан кийинлари уни Сузук ота деб аташган. Мустафоқули балоғат ёшига етгач, отаси Аҳмад Қорачулнинг йўлланмаси билан Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чуқур кўприк, Мирлар ва Чақар маҳалласи оралиғидаги жойдан қўним топган. Уста-хунармандларнинг пири ҳисобланган Сузук ота юзлаб шогирдларга илм бериб, уларни ҳалол меҳнатга ўргатган зотдир. Унинг вафотидан кейин усталар маҳалласи Сузук ота номи билан атала бошлаган. Бу ердаги мавжуд мадраса шўролар даврида, 1936 йилда бузилиб, ўрнига эмаль идишлар артели идораси қурилган. Кейинчалик 1995 йили мазкур идора биноси ҳам бузилган. Баъзи маълумотларда бу ерда қад ростлаган масжид Чўпон ота масжиди деб тилга олинади. Чўпон ота Сузук отанинг қариндоши ва шогирди бўлган. У Чуқур кўприк ва Сузук ота маҳаллалари ўртасида жойлашган ҳудудда таваллуд топган. Кейинчалик бу жой Чўпон ота маҳалласи деб аталган. Бу маҳалла 1946 йилдан кейин Чуқур кўприк маҳалласига қўшиб юборилган.

Маълумотларда Чўпон ота масжидининг ичкари қисми XVIII аср, кириш қисми – жиловхона ва мезана XIX аср бошларига тегишли деб кўрсатилган. Жиловхона Николай ғишtidан, масжид ичкари қисми эса ўша давр маҳаллий ғишtidан бунёд этилган. Баъзи маълумотларда масжид ва мадраса Сузук ота ва Чўпон оталар ҳаётлиги даврида қурилганлиги айтилади. Бу улуг зотларнинг шогирдларига шарият ва тарихат илмидан дарс берганини эътиборга оладиган

бўлсак, масжид ва мадраса бинolari 1160-1217 йиллар оралиғида қурилган бўлиши эҳтимоли катта. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, масжид ноодатий тарҳга эга бўлиб, усти чўзиқ равоқсимон қилиб ёпилган, ўртада ўтиш йўллари қолдирилган хоналардан иборат.

Мажмуадаги дастлабки мақбара XIII асрда қурилган. 1947 йилги Ашхобод zilzilаси таъсирида мақбара деворлари анча зарар кўрган. Шу ерлик қарияларнинг эслашича, мақбаранинг кўриниши кўшни Зангиота маҳалласидаги Хўжа Нуриддин мақбарасига ўхшаш, аммо ундан каттарoқ бўлиб, мақбара томининг тўрт томонида кичик мезаначалар бўлган.

Ҳозирда Сузук ота масжиди хонақоҳ ва айвондан иборат ҳолда сақланиб қолган. Мадраса хужралари эса бузилиб кетган. Яқин-яқингача Тошкентдаги энг катта гумбазли масжид деб аталган мазкур тарихий обида ҳамон ўз салобатини йўқотгани йўқ. Бир неча асрлар олдин қад ростлаган масжиднинг хонақоҳи гўё қуни кеча қурилгандек сақланган, айвон қисми эса маҳалла усталари томонидан қайта қурилиб, ўймакор устунлар ўрнатилган.

Бугунги кунда Президентимиз кўрсатмасига биноан ушбу маҳалла ҳудудида Сузук ота тарихий-меъморий мажмуаси атрофида зиёратгоҳ бунёд этишга киришилди. Зиёратгоҳ лойиҳасида таъмирлаш ва қайта тиклаш билан боғлиқ ишларда эски давр архитектурасини янги замон билан уйғунлаштириш, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ишлари кўзда тутилган.

Зиёратгоҳ лойиҳасига кўра кейинги йилларда масжид ҳовлисининг кириш қисмида қурилган кичик гумбазли дарвозахона ўрнига ҳовли ҳудуди кенгайтирилиб пештоқ, гумбазли янги дарвозахона бунёд этилади. Мажмуадаги кейинги йилларда қурилган мақбара биноси ўрнига эса ўзининг дастлабки кўриниши қайта бунёд этилиши назарда тутилган. Мақбара яқинидаги ночор аҳволга тушиб қолган кўҳна масжид ўрнида янги кутубхона биноси қурилади.

Мажмуа атрофидаги путурдан кетган эски, кўрimsиз ҳолдаги турар жой бинolari бузиб ташланиб, икки ёнига миллий кўринишдаги анъанавий икки қаватли бинolar қурилади. Бу ишларнинг барчаси илмий асосланган лойиҳа асосида амалга оширилади.

Шаҳарнинг қадим тарихига шохид бўлган ёдгорликларни асраш, таъмирлаш ва улардан оқилона фойдаланиш Тошкент меъморчилиги ва шаҳарсозлигини белгиловчи муҳим омилдир. Зеро, Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори атиқалар халқимиз даҳосининг ёрқин намунасидир.

Нафиса МИРЗАҲОШИМОВА, архитектор,
Асқар ОБИДОВ, тарихчи



Муножат ЙЎЛЧИЕВА
Ўзбекистон халқ артисти